

№ 1. Формулаларнинг қайси бири айлана бўйлаб бир маромда ҳаракатланувчи жисмнинг тезланиши бўла олмайди?

- а) $a = \Delta v \cdot t$ б) $a = \frac{v^2}{r}$
 в) $a = \frac{4\pi^2 \cdot r}{T^2}$ г) $a = 4\pi^2 \cdot n^2 r$

№ 2. Массаси 4 кг бўлган эркин тушувчи жисм бир оз вақт оралиғида ўз тезлигини 2 м/с дан 8 м/с гача орттиради. Бу йўлдаги оғирлик кучи ишини топинг.

- а) 100 Ж б) 110 Ж
 в) 130 Ж г) 120 Ж

№ 3. Гармоник қонун бўйича содир бўладиган товуш тебранишлари инсон томонидан ... сифатида қабул қилинади.

- 1) мусикали тон; 2) тембр;
 3) шовқин; 4) радиотўлқинлар;
 а) 1 б) 2 в) 3 г) 4


№ 4. Мол – ... ни ўлчаш бирлиги.

- а) моляр масса б) босим
 в) модда миқдори г) зичлик

№ 5. Молекулаларнинг ўртача кватратик тезлиги 4 марта ортса идеал газ ҳарорати:

- а) 2 марта пасаяди. б) 16 марта пасаяди.
 в) 2 марта ортади. г) 16 марта ортади.

№ 6. Расмда бир маромда секинлашиб ҳаракатланаётган жисм тезлиги графиги кўрсатилган. Унинг тезланиши нимага тенг?



- а) -5 м/с^2 б) -3 м/с^2
 в) 1 м/с^2 г) -1 м/с^2

№ 7. Икки тебраниши $\varphi_1=0,5 \cos (\pi t +\pi/4)$ ва $\varphi_2=2 \cos (2\pi t +\pi/3)$ қонунлари бўйича содир бўладиган узун ипдаги маятникларнинг циклик частотаси бир-бирдан неча марта фарқ қилади?

- а) иккинчисиники 4 марта ортик
 б) иккинчисиники 0,75 марта ортик
 в) биринчисиники 0,75 марта ортик
 г) иккинчисиники 2 марта ортик

№ 8. 10 мол бир атомли идеал газнинг ички энергияси 249,3 кЖ. Газнинг абсолют ҳароратини аниқланг.

- а) 500 б) 1000
 в) 2000 г) 1200

№ 9. Массаси 30 т бўлган танк қиялик бурчаги горизонтга нисбатан 30° бўлган баландликка чиқмоқда. Агар танк моторининг фойдали қуввати $3,68 \cdot 10^5$ Вт бўлса, у қанча максимал тезликка чиқиши мумкин?

- а) 5 м/с б) 3 м/с
 в) 2,12 м/с г) 2,45 м/с

№ 10. Газ таранг қобикда 350 К ҳароратда ва 100 кПа босимда 12 л ҳажми эгаллайди. Шу газ 20 м чуқурликдаги сув остида 280 К ҳароратда қанча ҳажми эгаллайди? Сув зичлиги 1000 кг/м^3 , атмосфера босими 100 кПа га тенг. Жавобни л да беринг.

- а) 1,2 б) 2,4
 в) 3,6 г) 3,2

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади.

Жами топшириқларнинг миқдори – 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»